

# **Мавзу: Болалар овози ва уни мутация даврида сақлаш**

**Режа:**

Кириш

## **I боб Болалар овози ва уни ўрганиш масалалари**

*1.1 Болалар овозини ўрганишнинг тарихий босқичлари*

*1.2 Ўзил болалар овозининг мутация даври*

## **II- боб Болалар овозини ривожлантириш ва тарбиялаш**

*2.1 Мутация даврида овоз бузилиши сабаблари, Болалар овози касалликлари, Мутацион дисфония*

*2.2 Болаларда қўшиқ куйлаш малакаларини шакллантириш*

**Хулоса**

## Кириш

Барча даврларда педагогларни болалар кўшиқчилик овози ривожини, унинг янграш хусусиятлари, турли пайтларда болалар овозига қўйиладиган вокал талаблари ва айниқса мутация (расида) даврида кўшиқ куйлашга ўргатишнинг метод ва йўллари қизиқтириб келган.

Мутация (расида) даври ҳар бир ўсмирда турлича ўтади. Унинг қандай кечиши организмнинг ўсиш тезлиги, шу организм гормонал фонининг ҳолати, минтақавий шароитлар ва ҳар боланинг индивидуал физиологик хусусиятлари, миллий мансублиги ва бошқаларга боғлиқдир. Бу даврда бола овози нотурғун бўлиб у тез - тез бўғилади, паст товушлардан юқориги товушларга кутилмаган ўтишлар рўй беради. Овоз тембри бўғиқ, кескин ва ёқимсиз тус олади.

Мутация олди даврида овозларнинг ўзига хос тембр хусусиятлари ҳар бир овозга хос бўлган характерли белгиларга эга бўлади. Кўкрак қафаси ривожлана бориши ва янада чуқурроқ нафас олиш натижасида овоз тўғин ва тўлиқ янграй бошлайди. Мутация ҳар хил, бировларда аста - секин ва сезилмасдан, баъзи бировларда эса жуда яққол ва сезиларли кечади. Одатда у мутация давригача куйлаб юрган болаларда тез ва овознинг кескин ўзгаришисиз кечади. Овоз ҳаракатчанлиги йўқолади. Қисқа чўзимларни тез темпда куйлаш қийинлашади. Бундай ҳолатларда кўшиқда учрадиган сакрашлардан ва паст тесситурада куйлашдан қочиш зарур. Энг муҳими овоз таянчини кузатиб бориш керак.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турганидек мутация даврида болалар овозини сақлаш ва уни эҳтиётлаш долзарб масалалардан бири эканлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек мавзунинг кам ўрганилганлиги, ўзбек тилида мутация ва мутация даврида болалар овозини сақлаш бўйича тадқиқотлар камлиги сабабли ва мавзунинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда битирув малакавий иш мавзусини: **«Болалар овози ва уни мутация даврида сақлаш»** деб олдик.

Битирув малакавий иш икки бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида болалар овози ва уни ўрганиш масалалари, болалар овозини ўрганишнинг тарихий босқичлари, ўғил болалар овозининг мутация даври ҳақида сўз юритилади. Иккинчи бобда эса мутация даврида овоз бузилиши сабаблари, болалар овози касалликлари, мутацион дисфония, болаларда кўшиқ куйлаш малакаларини шакллантириш каби масалалар атрофлича ёритилади

<b><u>Тадқиқот мақсади:</u></b>	Болалар овози ва уни мутация даврида сақлашни ўрганиш
<b><u>Тадқиқот объекти:</u></b>	Болалар овози ва мутация
<b><u>Тадқиқот предмети:</u></b>	Ўғил болалар овозининг мутация даври
<b><u>Тадқиқот вазифалари:</u></b>	1. Болалар овозини ривожлантириш ва тарбиялаш йулларини ўрганиш. 2. Мутация даврида овоз бузилиши сабаблари. Болалар овози касалликлари. Мутацион

дисфонияни ўрганиш

3. Болаларда кўшиқ куйлаш малакаларини шакллантириш масалаларини ўрганиш

**Тадқиқот методлари:**

1. (Тахлил ва синтез)

2. Махсус адабиётлар ва манбаларни урганиш.  
(Г.П. Стулова «Развитие детского голоса в процессе обучения пению», Г.А. Струве «Школьный хор» Л. Шамина «Работа с самодеятельным хоровым коллективом», «Музыка», «Развитие детского голоса», «Детский голос»). педагогик технологиялар,

музикий педагогик маҳорат асослари, музика ўқитиш методикаси, илмий мақолалар)

3. Маълумотларни умумлаштириш, таққослаш.

4. Педагогик кузатишлар.

Анализ ва синтез услубидан илмий материални танлаш, ўрганиш, тадқиқот мавзусига доир фикр ва ғояларни ажратиш, тадқиқот хулосаларини чиқаришда фойдаланилади.

Музика тарихи, хоршунослик, педагогика ва психология фанлари бўйича адабиёт ва манбаларни ўрганиш орқали Ўзбекистонда хор санъатининг тарихий ривожланиши жараёнини илмий жиҳатдан асосли тарзда тахлил қилиш мумкин. Тадқиқот мавзусига доир асосий илмий материаллар, ғоя ва фикрлар мазмуни хоршунослик фанларига оид махсус адабиётларда ўз аксини топган.

Умумлаштириш ва таққослаш услуби ёрдамида ҳар бир ўрганилаётган муаммо юзасидан хулосалар чиқарилади.

Педагогик кузатиш услуби воситасида музикий таълим жараёни хусусиятлари ўрганилади.

## **I боб Болалар овози ва уни ўрганиш масалалари**

### ***1.1 Болалар овозини ўрганишнинг тарихий босқичлари***

Ҳар хил тарихий манбалар бизнинг кўз олдимизда болалар овози ҳақидаги ҳар хил тарихий масалаларини, болалар хонандалик овози, оҳангининг ўзига хос хусусиятлари, уларга қўйиладиган талаблар ва куйлашга ўргатишнинг ҳар хил асосли методларини очиб беради.

Ҳали аллақачонлароқ Европада кўплаб черков мактаблари, Италия, Францияда эса вокал мактаблари мавжуд эди. XI - XIII асрларда Қадимги Русияда музика маданияти ва музика илми манбалари бўлган монастыр ва черков мактабларида болаларни кўшиқ куйлашга ўргатар эдилар. Бу мактабларда 6 - 7 ёшли болалар таълим олар эди.

Буюк князь Владимир Корсундан кўшиқчи - ўқитувчиларни олдирганлиги ҳақида қўлёзмаларда маълумотлар бор. Черковлар қошида

очилган махсус билим юртлари ҳам кўшиқ ижрочилиги сифатига ижобий таъсир кўрсатди. У ердан ажойиб хонандалар етишиб чиқдилар.

Вақт ўтши билан профессионал хорлар пайдо бўла бошлади. Ана шу профессионал хорлар таркибига аста - секин болалар овози ҳам киритила бошланди.

XVII(1647) йилларда Россияда дунёвий фанлар ўқитиладиган умумтаълим мактаблари очилиб, уларда хорлар ҳам ташкил қилина бошлайди. Умумтаълим мактабларида болалар кўп овозда куйлаш малакаларини эгаллаш ва улар 4 - 8 овозда бемалол куйлар эдилар.

Ўша даврда Россияда мактаб - методик адабиётлари пайдо ҳам бўла бошлайди. Бу даврда вокал санъати анча юқори даражага чиққан эди.

XVIII аср иккинчи ярмида француз ва италян тилларидан таржима қилинган методик тадқиқотлар пайдо бўлди. В. Манфреди ўзининг “Гармонические и методические правила для обучения всей музыки” асарида ўта катта аҳамиятга эга бўлган методик талабларни яратади ва санаб ўтади:

- 1.Кўшиқ куйлашда оғизни яхши очиш зарур, бу эса овоз тиниқлиги ва сўзларни соф талаффуз қилишга ёрдам беради;
- 2.Ҳеч қачон овозни зўриқтирмай қулай тесситурада куйлаш;
- 3.Хушоҳанг куйлаш ва ноталар чўзимини охиригача тутиш;
- 4.Сўзларни аниқ, ишонч билан талаффуз қилиш;
- 5.Тушуниб ва ҳиссиёт билан куйлаш;
- 6.Жўрсиз куйлаш кабилар тавсия қилинади.

Рус композитори М. И. Глинка ўзининг “Упражнения для усовершенствование голоса” китобида вокал бўйича қимматбаҳо тавсиялар беради. Кейинроқ яна бир рус композитори А. В. Варламов ҳам ўзининг “Полная школа пения” китобида болалар овозининг барча хусусиятларини эътиборга олади.

Варламов ҳам Глинка каби эшитиш қобилиятига, артикуляция, хушоҳанглик ва қулай тесситурада куйлашга катта эътибор беради.

1914 йилда инглиз Д. Бэтс қўлланмасининг таржимаси нашр қилинади. Бу қўлланмадан барча педагоглар узоқ вақтлар мобайнида фойдаланиб келдилар, чунки унда болалар овозини тарбиялашнинг муҳим тамойиллари ва уларнинг ёшлик хусусиятлари баён қилинган эди. Бэтс жон - жаҳди билан ҳар қандай бақироқ овозда куйлашга қарши туради. Диапазоннинг четки товушларидан фойдаланишни тавсия қилмайди ва “бақириб куйлаш овозни бузишга олиб келади” деб ҳисоблайди, у режим сақланиши ва овоз гигиеналарига риоя қилиш учун курашган эди.

Муסיқа санъати намоёндалари болаларни кўшиқ куйлашга ўргатишнинг ягона методини яратишга ҳаракат қилдилар. Россияда кўшиқ куйлашга ўргатишнинг ягона методини излаш ишлари Давлат Муסיқа Фани Институтида (1921) олиб борилди. (Государственный институт музыкальной науки - ГИМН)

ГИМН 1925 йилда вокалчи - олимлар ва педагогларнинг биринчи конференциясини ташкил қилди. Унда А. Ф. Гребнеевнинг “Голос детей, его развитие и обработка трудовой школе” маърузаси тингланди.

А. Ф. Гребнеев ўзининг педагогик фаолиятида болаларнинг ёшлик

хусусияти томонларига кўпирок эътибор берди. У 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларни кўшиқ куйлаш жараёнида беъмани қилиқлардан сақлаш ва уларни йўқотиш зарурлигидан огоҳлантирар эди. Булар эса Гребнеев назарида кучаниб куйлаш ва нотўғри артикуляция эди.

Россия давлатида 1930 йиллардан бошлаб болалар овози системали равишда лаборатория шароитларида ўрганила бошланди.

Болалар овозини ривожлантириш муаммолари билан фоноаторлар ҳам шуғуллана бошладилар. И. И. Левадовнинг мактаб ўқувчилари овоз аппарати касалликларини ўрганиш натижалари уни ушбу муаммо билан мунтазам шуғулланишга ундади. У мактаб ўқувчиларида овоз аппаратининг оммавий касалликлари келиб чиқиши сабаблари нотўғри вокал режими ва болалар эплей олмайдиган яъни кучи етмайдиган репертуар эканлигини аниқлади.

И. И. Левадов ўз тадқиқотлари бошида мутация масалалари бўйича мунтазам иш олиб бормаган эди. Лекин унинг тадқиқотлари синчковлик билан ўрганилса, улар бир қатор хулосалар чиқариш учун асос яратади. Бу қиз болалар овози мутациясига ҳам қисман таалуклидир.

Қиз болалар овози мутацияси масалалари одатда Левадов томонидан рад қилинган деб ҳисобланар эди. Лекин аслида бундай эмас. Левадов бу муаммо бўйича махсус текширувлар олиб бормаган бўлса ҳам муаммонинг мавжудлигини рад ҳам қилган эмас.

Врач - фоноатор И. И. Левадов ўзининг илмий тадқиқотларини амалиётчи вокалчилар Е. М. Малинина ва С. И. Гиммельфарблар билан олиб борди. Бу масалалар кейинчалик Е. И. Малинина тадқиқотларида ривожлантирилди.

Левадов тадқиқотларида нафас олиш масалалари ҳам ёритилмаган эди. Шуниси муҳимки, Левадов ва Малининалар ишлаб чиққан болаларни куйлашга ўргатишнинг асосий тамойиллари яъни концерт ёки ўрганиш жараёнида кучаниб, овозни зўриктириб куйлаш мутлақо мумкин эмаслиги, тўғри артикуляция зарурлиги, эркин, кучанмасдан нафас олиш, индивидуал тембр, эмоционал ифодавийлик ва техник томондан тўғри куйлаш, бош резонаторини ишлата билиш, болалар овозининг ёркинлиги, уларнинг ёш хусусиятларига қараб фальцет овозда куйлашдан аста - секин аралаш куйлашга ўтиши кераклиги кабилар педагог ва мутахассислар томондан тўғри деб тан олинди.

Бадиий тарбия институтида ёш хусусиятлари нуқтаи - назаридан болалар овози ўрганила бошланди. Бадиий тарбия институти секторида махсус лабораторияда экспериментал тадқиқотлар олиб борилди.

Н. Ф. Орлова томонидан ўтказилган эксперимент қизлар овозининг мутацияси ва ўтиш даврида кўшиқ куйлаш жараёнида нафас олиш масалаларига бағишланган эди. Ўғил болаларда мутация кечиши масалаларини катта мутахассис Локшин ўрганди.

Мутацияга учраган овозни тарбиялаш масаласи ўта муҳимдир. Мисол учун 1803 йил чоп қилинган “Метод пения Парижский консерватории” номли илмий иши муаллифлари профессорлар: Гара, Бернардо, Менгоцци, Госсек ва Керубинилар ўткинчи ёш даврида ҳам куйлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган эдилар. Ана шу тадқиқотда бир қатор аниқ методик тавсиялар берилади.

Олимлар тадқиқотлари шуни кўрсатадики, овози расида (мутация) га учраганларни (масалан, уларнинг овоз диапазонида йўқ юқори тонларни) куйлашга мажбурлаш бу нафақат зарарли бўлиб қолмасдан уларни куйлашдан бездириши ҳам мумкин.

### ***1.2 Ўғил болалар овозининг мутация (расида) даври***

Эндокрин безларининг кучли фаолиятда таъсирида тахминан 12 - 14 ёшли ўғил болаларнинг бутун организми жадал ривожлана бошлайди, жинсий етилиш даври бошланади. Кўпчилик ҳолда аъзо ва тўқималар ўсиши нотекис кечади. Бу эса организмдаги у ёки бу эндокрин безларининг устиворлиги натижасидир. Масалан умртқа суякларининг жадал ўсиши миядаги гипопез беи фаолиятнинг бузилиши натижасида рўй беради. Скелетнинг секин ўсиши эса аксинча қалқонсимон без ишининг бузилиши натижасидир. Охир - оқибат мия чаноқ суягининг баландлик бўйича ўсиши натижасида қаттиқ танглайнинг чуқурлиги ва баландлиги ўсади. Бу эса қаттиқ танглайнинг юмалоқ ҳолатидаги кўринишига нисбатан овоз ҳосил бўлишнинг маълум бир шартларини яратади.

Мия чаноғининг ана шундай шаклига қаттиқ танглайнинг бошқача шакли тўғри келади. У анча ясси ва саёз бўлади. Ўғил болаларда томоқнинг кўзга ташланадиган анатомик ўзгаришлари кўрина бошлайди. Тамоқ ва айниқса кўриш учун қулай бўлган қалқонсимон тоғай ўлчами тез катталашади. Тамоқнинг олдинги бурчаги илгари томон чиқа бориб, бўйиннинг олд қисмига туртиб чиқади (Адамова яблоко). Тамоқнинг бошқа қисмлари ҳам ушбу вақтда тез ўсиб қисқа вақт ичида эркаклар ҳиқилдоғига мос характер тусини олади. Аёллар ва эркаклар тамоқлари ўртасидаги фарқ орқа - олд ўлчови бирлигида ифодаланади. Шу муносабат билан ўтиш даврида ўғил болаларда тез ва кучли ўсиш кузатилади. Масалан, шу даврда уларнинг овоз боғламлари 13 -14 мм.га, овоз аппаратининг етилиши даврида эса овоз пайлар 6 - 8 мм.га, 25 ёшда эса 24 - 25 мм.га тенглашади. Ўтиш даврида эркаклар тамоғи бир бутун 2/1 га, аёлларники эса фақат ярмига катталашади. Овоз бурмалари икки - уч марта узунлиги бўйича катталашади. Унинг оқибатида овоз бир октавага пасайиши мумкин. Одатда, жинсий етилиш даврига мос келувчи мутация жараёнини бошланиши ҳақидаги маълумотлар шу даража турлича бўлиб, уларнинг сабаби эса афтидан климатнинг ҳар хиллиги бўлса керак. Масалан, шимолий районларда мутация кеч аммо кескин, шарқий районларда эса жинсий етилиш эрта бошланиб, овоз мутацияси ҳам анча олдин рўй беради.

Тамоқнинг кучли ўсиши билан параллел равишда болалар овоз аппаратидаги ўзгаришлар овоз диапазони ва тембр ўзгаришида ҳам намоён бўлади.

Бола овози дискант ёки альтдан тенор, баритон ёки басга ўтади. Лекин баъзи бир кузатишлар мавжуд бўлса ҳам, дискантнинг кўпинча басга, альтнинг эса тенор ёки баритонга ўтиши қонуниятлари ҳозиргача аниқланмаган. Болалар овозининг эркаклар овозига ўтиши у ёки бу маънода кескин кечади.

Мутация даври, яъни ўғил болалар овозидан эркаклар овозига тўлиқ ўтиш бир неча ҳафтадан (4 - 6) бир неча (3 - 6) ойгача баъзан 2 - 3 йилдан 5 йилгача давом қилиши мумкин. Энг кўп ҳолларда мутация даври тахминан 1 йилгача

чўзилади. Қўшиқчилик овози ва йўғон овозга ўтиш ҳамма вақт ҳам бир пайтда рўй бермайди. Овоз ўзгаришдан кейин тамоқ ўсиши яна давом этади. Лекин, товуш унчалик ўзгармайди. Ундаги (30 ёшгача) ўзгариш диапазон кучи тўлиқлигига таалуклидир.

Ўғил болаларда мутация кечиши мутлақо хилма хилдир. Масалан, овоз жуда секин, ўзига ва атрофдагиларга деярли сезилмасдан ўзгариши, фақат ҳар вақт, ҳар вақтдан озроқ хириллаш ва овоз чарчаши сезилиши мумкин. Бошқа ҳолларда эса (бу кўпроқ чўзилиши мумкин) бола куйлаётганда, ҳатто гапираётганда ҳам овоз узилиши, кутилмаганда бас тембри ноталари пайдо бўлиши мумкин. Яна шунингдек, баъзан боланинг майин овози йўғонлашиши ва овозида кескин хириллаш пайдо бўлиши мумкин. Овоз хириллаши тез ва нисбатан қисқа вақт ичида йўқолгандан кейин ўғил бола (ўсмир) да тўла - тўкис шаклланган эркак овози пайдо бўлади. Адабиётларда бугун бола овозида гапириб турган болада эртага эркак овози пайдо бўлиб қолган ҳоллар ҳам келтирилади.

Болаларда мутациянинг тез кечиш ҳоллари юз берган пайтда овоз дарҳол тахминан бир октавага пасаяди. Агар ушбу жараён аста – секин кечса, у анча даврга чўзилади. Мутациянинг нотабий кечиш ҳоллари турличадир.

**Мутациянинг бузилишлари:** овоз ўзгариши бир неча йиллар давомида (3 -5 - 7) ҳатто ундан ҳам кўпиноқ давом қилиши, овоз ва тамоқ олди мускулларининг иш фаолияти бузилиши натижасида ҳосил бўлиб, унда тамоқ олди мускулларининг устиворлиги натижасида юзага келувчи мустаҳкам жойлашиб олган фальцетни кўрсатиш мумкин;

**Кескин кечувчи мутация.** Мутация давридаги яширин бузилишлар мажуд, овозда мутация белгилари сезилмайди. Овоз ҳали гўёки болалар овозига ўхшайди. Шу билан бирга ўсмирга ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайдиган йўталлар азоб бериши мумкин. Ўн бир, ўн икки, ҳатто ўн ёшдан пайдо бўлувчи ана шундай бевақт мутация бу ёшдаги болаларга хос бўлмаган кўпол, дағал овоз кўринишида намоён бўлади. Бунинг сабаблари эрта жинсий етилиш, узоқ вақт овоз аппаратининг зўриқиб ишлаши (бақириб, юқори тесситурада куйлаш ва ҳ.к.)дир.

**Кечиккан мутация.** Бунга мисол қилиб жинсий балоғатга етгандан кейин анча кеч (3 - 4 ва ундан ортиқ йил) пайдо бўлувчи мутацияни кўрсатиш мумкин.

**Иккаламчи мутация.** Бу ҳолда етуқлик ёшида бирданига овоз ўзгариб иккинчи марта мутация белгилари(яққол кўзга ташланувчи тембр ўзгариши) пайдо бўлади.

Инсон организми тўла – тўкис 20 ёшгача шаклланиб бўлади. Томоқ ўсиши шу даврда яқунланган бўлса ҳам, лекин у кўкрак қафаси ривожидан орқада қолган ва унинг натижасида нафас олиш ва овоз боғламлари ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мутациянинг охири даврида алоҳида режимга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Куйлашда жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш лозим.

Болалар овозини ривожлантириш ва тарбиялашни шартли равишда бир неча босқичга бўлиш мумкин:

Мактабгача тарбия (6 -7 ёшгача);

Мутация давригача бўлган тарбия 6 -7 дан 13 - 15 ёшгача;

Мутациядан кейинги давр 15-17 ёшгача;

Болалар овози ривожланишининг асосий тўрт босқичини ажратиб кўрсатиш мумкин.

7 -10 ёшдаги мутациягача бўлган давр. Ўғил ва қиз болалар овози бир хил бўлиб, улар барчаси деярли дискантлардир. Улар овозига овоз боғламлари резонаторининг титровчи енгил фальцети хосдир. Овоз диапазони До1, Ре1 билан чекланган. Энг қулай товушлар Ми1 – Ля2дир, овоз жуда нотекис. Унлилар жуда кескин янграйди. Раҳбар вазифаси бутун диапазон бўйлаб унлиларнинг анча янада текис оҳангига эришиш.

10 - 13 ёш катта мутациягача бўлган давр. 11 ёшга қараб айниқса ўғил болаларда кўкрак товуши пайдо бўла бошлайди. Кўкрак қафаси ривожини тезлашган, чуқур нафас олиш натижасида овоз анча тўлиқ ва тўйғин янграйди. Дискантларнинг енгил ва жарангдор овоз диапазони до1 соль2 атрофидадир. Альтлар диапазони Си1 – До2.

Болаларнинг ушбу ёш даврида катталарники каби учта овоз регистри мавжуд бўлиб улар бош, аралаш, марказий, кўкрак регистрларидир.

13 - 15 ёш мутация (ўтиш) даври. У болаларнинг жинсий ривожланиш даврига мос келади. Мутация даври турлича: баъзи болаларда аста - секин ва сезилмасдан, бошқа бировларида эса сезиларли кечади. Бу даврда педагог мутация бошланишини эшитиш ва унинг дастлабки белгилари бошланган заҳотиёқ эҳтиёт чораларини кўриш зарур. Болалар овозини тез - тез эшитиб туриш ва улардаги барча ўзгаришларга эътиборни қаратиш керак. Ҳар бир овознинг хусусиятларини ва диапазон имкониятидан келиб чиқиб, уларни эътиборга олган ҳолда вокал машқлари, техника устида ишлашни давом қилдириш зарур. Амалиёт болалар техникани йўқотмаслигини кўрсатади.

16 - 18 ўсмирлик ёши. Мутация охири даври. Бу пайтда катта ёшли одам овози шаклланади. Куйлашнинг санитария қоидаларига эътибор бериш ва риоя қилиш, овозни зўриқтирмалик, диапазонни ўта эҳтиёткорона равишда кенгайтириш зарур. Бақариб куйлаш ҳам яхши қувват олмаган овозларга тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкин.

Болалардаги кўшиқчилик овозини аниқлаш учун қуйидагиларни билиш керак:

Диапазон – тембр - примар товушлар;

Тесситурага чидаш қобилиятини, регистрнинг ўткинчи тонларини,

Кўшиқчилик овозининг асосий хусусиятлари, товуш баландлиги, диапазони, овознинг ҳар хил баландлигида динамик диапазони. Регистр ўтишларининг майинлиги, ҳар хил унлилар текислиги, кучаниш даражаси, вокал позицияси, дикция сифати: аниқлик, тушунарлилик, қатъийлик.

Тембрнинг обертонларга бойлиги, вибрато сифати, енгиллик ва жарангдорлик, ижро ифодавийлиги ва бошқалар.



## **II- боб Болалар овозини ривожлантириш ва тарбиялаш**

### **2.1 Мутация даврида овоз бузилиши сабаблари. Болалар овози касалликлари. Мутацион дисфония**

Мутация лотинча (ўзгариш, алмашиш) деганидир. “Катталарда овоз бузилишининг кўпчилик ҳоллари сабаби уларнинг жинсий балоғатга етишиш, яъни мутация даврида рўй беради ва овоз бузилишининг асосий сабаби ана шу давр асоратларидир” деб ёзган эди. Harrington (1950)

Пубертатлик даврида томоқ бўғзининг ўсиши натижасида асосий тон частотасининг ўзгариш ҳолати рўй беради. Ўғил болаларда овоз баландлиги тахминан бир октавага, қиз болаларда эса 3 - 4 ярим тонларга пасаяди.

Arongon (1973) фикрига кўра кўпчилик эркаларда мутация 3 - 6 ой давомида яқунланади. Шу даврда бўйин узаяди, ҳиқилдоқ пастга тушиб, ўлчами катталашади. Zemlin (1987) 15 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг овоз боғламлари тахминан 9,5 мм га тенглашади.

Мутация даврида эркалар овоз боғламлари 10 смга узаяди ва йўғонлашади. Аёллар овоз боғламлари эса 4 смга узаяди.

Kaplan(1960) ва Zenlin (1981) маълумотларига кўра эркалар овоз боғламлари 17 дан 24 ммгача, аёлларники эса 12,5 дан то 17 мм ўртасида бўлади. Кўпчилик болаларда, яъни ўғил ва қиз болаларда ҳам овоз ўзгариши бир текис кечади. Лекин баъзи бир ҳолларда мутация бузилади. Luchsinger (1965) ўғил болаларда мутация бузилишининг қуйидаги клиник табақалашни келтиради:

-секинлашувчи мутация - овоз ўзгариши одатдагидан бир неча йил кейинга сурилади;

-чўзилувчи мутация – мутациянинг клиник кўринишлари ой эмас, йилларга чўзилади;

-Нотўлиқ мутация – бола овози катталар овозига тўлиқ ўзгармайди.

Юқоридаги барча учта кўринишида ҳам овоз ўзининг юқори тони, хроник хириловчанлиги билан характерланади.

Болалар овозига хос бўлган юқори овозни анча вақтгача ишлатиш мутация ёки рубертофация ёки шунчаки фальцет деб атайдилар. Фальцет ҳосил бўлиши механизми сабаби крикотиреоид мускулнинг кучли қисқариши ва фонация пайтида ҳиқилдоқнинг жуда баланд (юқори) кўтарилишидир. (Arond 1986)

Қизларда овоз фақат 3 - 4 ярим тонга пасаяди. Ҳатто у пасаймаган тақдирда ҳам бузилиш ҳисобланмайди. 14 - 15 ёшдан катта ёшдаги юқори тонли ўғил болалар аёл сифат деб ҳисоблана

**Болалар овози касалликлари. Мутацион дисфония.** Болалар овози касалликларига диагноз (ташхис) қўйиш ўзининг маълум бир қийинчиликларга эга.

Ота-оналар болаларининг овози хириллаб қолганидан бирдан ташвишга тушиб қолиб фақат педиатрга мурожаат қиладилар ва малакали жавоб ололмайдилар. Болалар ва ўсмирлар овозининг бузилиши муаммолари долзарб масаладир. Чунки болаларга мактабда, боғчада бўладиган жамоавий овоз

босимлари, вокал ва хор жамоаларидаги иштироки, малакаси ўқитувчи томонидан дарс олиб борилиши натижасида кўпчилик ҳолларда амалиётда овоз аппарати касалликлари билан тўқнашишга олиб келади.

Дисфонияни бир ёки бир қанча белгилари орқали аниқлаш мумкин:

-Нафас олишнинг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган ҳар хил даражадаги хириллашлар;

-Гипер ёки гипоназаллик;

-Оҳанг интенсивлигининг (ҳаддан ташқари паст ёки ҳаддан ташқари қаттиқ овоз) ўзгариши;

-Овоз баландлигининг бузилиши.

Мутацион дисфониянинг кечиши хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш зарур.

Мутация – жинсий балоғатга етиш даврида ҳиқилдоқ ва бутун организмнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ физиологик ҳодисадир.

Овоз аппарати ўғил ва қиз болаларда мутациягача бўлган даврда деярли бир хилдир.

Жинсий безларнинг ўғил болаларда кўпроқ, қиз болаларда эса камроқ ишга туша бошлаши томоқнинг сезиларли ўсишига олиб келади.

## **2.2 Болаларда қўшиқ куйлаш малакаларини шакллантириш**

Болаларни овозини ривожлантиришда ўстиришда айниқса, вокал - хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ўқитувчи томонидан чиройли қилиб куйлаб берилишга боғлиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал - хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ёқимли овози устида мунтазам иш олиб бориши керак. Вокал - хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овоз созлаш, қўшиқ ўргатиш жараёнида бошлангич синф ўқувчиларнинг овоз диапазони (до1 - до2), ишчи диапазони (ми1 - фа1 - сол1) примар товушларида куйлаш учун қулай бўлган (сол1 - ля1) товушларини аниқ билиши лозим.

Хонанда овози физиологик тузилишига қараб болалар, аёллар, эркаклар овозига бўлинади. Болалар овозида товуш ўзининг енгиллиги, тиниқлиги, характерли жарангдорлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Болалар овози дискант ва алтга бўлинади.

Дискант болаларнинг баланд овози. Болалар хорида дискант овозга одатда юқори (сопрано) партиялар топширилади.

Алт - болаларнинг паст овози. Болалар хорида алт паст партия ҳисобланади. Болаларнинг овоз характерини аниқлашда ҳар бир ёшнинг ўз хусусиятига эга бўлган «ишчи диапазони» борлигини ҳисобга олмоқ лозим. Бу репертуар танлашда ва болалар овозини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Кичик мактаб ёшидаги (7-10 ёш) болаларда умумий диапазон бир қанча кенг бўлади (ля кичик- ре2), ўғил ва қиз болалар овозлари бир турда бўлгани сабабли улар шартли равишда биринчи ва иккинчи овозларга бўлинади. Бу ёшдаги овозларда «бош садолар» кўпчилик товушларни ташкил қилади. Лекин «садоланувчи зона» (тахминий зона) кам товушдан иборат бўлиб, диапазон чекланган бўлади (ми1 ва до2).

«Ишчи диапазон»- умумий диапазондаги энг қулай (кўп ишлатиладиган) товушлар. Ўрта ёшда (11-13 ёш) «ишчи диапазон» до1 дан ми 2 - фа2 гача кенгайди. Болалар овози (айниқса ўғил болалар овози) 11 ёшларга бориб тўлиқроқ садоланади ва тембр жиҳатидан аниқликка эришади: дискантларда сезиларли ёрқин, тиниқ садо, алтларда эса бўрттирилган ва теран садо пайдо бўлади.

Мутация даврида ўғил болаларда диапазон чегараси кескин ўзгаради. овози бўғиқ, интонацияси ноаниқ, тез чарчайдиган бўлади. Бу мутация жараёнининг қандай ўтиши билан боғлиқ. 17-18 ёшларга келиб овоз кучи катталар овози кучига яқинлашади ва 20 ёшларга бориб тўлиқ шаклланади.

Болаларни куйлашга ўргатиш вокал машқларидан бошланади. Вокал машқлари овозни ривожлантириш ва юмшатишга, товуш ҳосил қилиш ва куйни аниқ - равшан ифодалашда тўғри йўналишни танлаш, ортиқча зўриқишлардан озод бўлишга ҳамда куйлашда зарур бўладиган бошқа малакаларни эгаллашга ёрдам беради.

Машҳур Италия вокал педагоги Тюзю 18 асрнинг бошида “вокал машқлари – мақсадга эришишнинг ягона воситаси” деган эди.

Вокал машқларини куйлаш жараёнида фаол иштирок қиладиган гавда, томоқ ва бўйин, артикуляция аппарати мускулларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Вокал машқлари – бирон - бир мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Куйлашни бошлашдан олдин болаларга ҳар бир машқнинг вокал - техник вазифаларини тушунтириб бериш зарур.

Вокал машқларини куйлашнинг иккита услуби, яъни, легато ва стаккатодан фойдаланилади: легато куйлаш услубида товушларни чўзиб куйлаш орқали кантилена малакалари ҳосил қилинади, қўшиқчилик нафаси ривожлантирилади, нафасни тежаб сарф қилиш кўникмалари эгалланади, овоз регистрлари ва унли товушларнинг янграши текисланади; стаккато услубида эса овоз бойламлари ва диафрагманинг иши фаоллаштирилади, аниқ товуш хужуми ишлаб чиқилади, нафас олишда товуш таянчи аниқ ҳис қилинади. Дастлабки машғулотлардан бошлаб машқларни куйлашда легато услубини ҳам, стаккато услубини ҳам галма - гал алмашлаб туриш тавсия этилади. Ҳар бир педагогнинг ўз иш фаолиятда фойдаланадиган вокал машқлари бўлиши лозим.

Вокал машқлари қатъий равишда изчил қўлланилиши лозим. Ҳар бир машқ аввалги ўзлаштирилган кўникмаларни мукамаллаштиришга ва янгиларини аста - секин ривожлантиришга хизмат қиладиган тартибда жойлаштирилиши лозим. Шунинг учун тавсия этилаётган машқларнинг барчасини бир бошдан куйлаш тавсия этилмайди, балки, таълимнинг у ёки бу босқичида болалар учун энг зарур бўладиганларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Куйлашни оддий машқлардан бошлаш, машқларнинг ораларида толиқишга ва асабийлашишга йўл қўймаслик учун кичик танаффуслар қилиш ва куйлашни бирмунча мураккаб машқлар билан тамомлаш зарур.

Болалар томонидан аввал ўзлаштирилган тесситурада (куй диапазони оралиғидаги баланд ва паст товушлар нисбати) машқда баланд товушлар кўп

бўлса, юқори тесситура, паст товушлар кўп бўлса пастки тесситура ҳақида гап кетади) ва унга таниш тартибда жойлаштирилган машқларни куйлаш чарчоқни келтириб чиқармайди, аксинча, куйлашни давом эттиришни талаб этади.

Таълимнинг дастлабки босқичида октава оралиғидаги марказий ишчи диапазонда (болалар осонлик билан куйлайдиган ва уларга одатий бўлиб қолган товушлар) қисқа ва содда машқларни куйлаш ва ҳар бир дарсда уларни мураккаблаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Овоз диапазонини кенгайтириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу ишда шошма - шошарликга йўл қўйиш ярамайди. Доимо овоз диапазонидаги яхши жаранглайдиган товушлардан келиб чиқиб иш тутиш зарур. Қўшиқчи учун энг асосийси – овоз диапазонининг ўртаси ёки марказидир, чунки, диапазоннинг бу қисми энг ишчан қисм ҳисобланади. Таълимнинг дастлабки босқичида диапазоннинг марказий товушларини шакллантириш лозим. Муддатдан олдин юқори ва паст ноталарни эгаллашга ҳаракат қилмаган маъкул. Уларни яхши жаранглайдиган ўрта товушлар асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Юқори регистр товушлари билан ҳам камроқ шуғулланиш керак. Энг чекка, юқори ноталарни бир дарс давомида икки мартадан кўп олмаслик зарур. Юқори ноталар билан кўп шуғулланиш ва уларни куч билан олиш, албатта паст ноталарнинг бўғиқ эшитилишига олиб келади. Барча ишларни бола овози чегараларида бажариш, унинг табиий жаранглашини бузмасдан олиб бориш керак.

**Артикуляция. Артикуляция (лот. артикуларе – қисмларга бўлиб гапириш)** – нутқнинг маълум товушларини талаффуз қилиш учун зарур бўлган нутқ органлари (лаблар, тил, юмшоқ танглай, овоз бойламлари) нинг ишидир. Машқларни куйлашда турлича унли товушлардан, бўғинлардан ҳамда нота номларидан фойдаланилади. Ҳар бир бола учун товуш тиниқ ва сифатли жаранглайдиган, оғиз эса эркин ва чиройли очиладиган унли товушлар ёки бўғинларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Италян вокал педагоглари ҳақи равишда машқларни кўпинча нота номлари билан куйлаш, вокализацияни эса а, е, о каби унли товушлардан бошлаш яхши натижалар беради деб ҳисоблаганлар. Вокализация жараёнида унли товушларнинг жарангдорлигига эришилади, интонация мустаҳкамланади, овоз енгил бўлиб, унли товушларни аниқ талаффуз қилишга одатланади.

Таълимнинг 1 ва 2 - йилларида машқларни ноталарни номи билан куйлаш (солфеджиолаш)дан кўпроқ фойдаланиш лозим. Мусиқа асарларида вокализация кўп учраганлиги сабабли, унинг хонанда учун қанчалик муҳим эканлиги ўз - ўзидан равшандир.

Дастлабки машқларни на фақат болалар учун қулай бўлган унли товушлардан келиб чиқиб танлаш, балки болалар овозининг табиий имкониятларини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Агар овоз хира, чуқур, бўғиқ ва жарангсиз бўлса, а ва и каби ёркин унли товушлар, жуда яқин, очиқ ва саёз товушларда о ёки у каби товушлар қўлланилади. Агар болаларнинг овози сезиларли камчиликлардан холи бўлса, машқларни муҳим вокал хусусиятлари ишлаб чиқиладиган ва бошқа унлилар ҳам маълум обертонларга эга бўладиган - асосий товуш а га куйлаш лозимдир. А га куйлаш орқали товуш жарангининг

зарур сифатларига эришгандан кейин, о, е (э) ва бошқа унли товушларга ўтилади.

Кўпчилик педагоглар – товушни бош резонаторида сезишга ёрдам беради - деб ҳисоблаб, куйлашни оғизни юмган ҳолда куйланадиган тайёрлов машқлари билан бошлайдилар. Бунда бурун этларининг дириллашини сезиш зарур. Оғизни юмиб куйлаш -лабларнинг бекик ҳолатида, жағни бирмунча пастга тушириб амалга оширилади. Бундай куйлаш усули овоз диапазонининг ўрта қисмида (баслар – до - ля, баритонлар – до - си оралиғида) бажарилади. Кейин овозни марказидан бошланадиган бир неча пастлама машқларни легато ва mf га куйлаш, ундан кейин эса - гўё овозни чайқаб, икки томонга ҳам давом эттириладиган машқлар куйланади.

Кўпчилик машқлар содда ва қулай бўлиши учун до мажорда берилади. Педагог ҳар бир машқни бошқа тоналликларга транспозиция қилиб, боланинг мумкин бўлган диапазонини бир текис ривожлантириш учун машқларни қайси тоналликдан бошлаш зарурлигини ўзи танлайди. Куйлашни энди бошлаётган болалар учун - ре мажор, до мажор тоналликлари кулай ҳисобланади. Таълимнинг дастлабки босқичларида машқларни одатда кварта ёки квинта оралиғида транспозиция қилинади.

Овозни яхши ривожлантириш учун унинг бир текис бўлиши ва кўрсатилган жойларда аниқ нафас олиш учун барча машқларни дастлаб оғир темпларда куйлаш мақсадга мувофиқдир. Болаларда дастлабки муваффақиятлар пайдо бўлиши билан темпларни бирмунча тезлатиш ва бир нафасга янада узунроқ фразаларни куйлаш мумкин бўлади.

Пастлама ҳаракатдаги вокал машқларини юқорилама машқларга нисбатан болалар одатда енгил куйлайдилар. Юқориги нотани - о товушини назарда тутиб, кичик нафасда ва секин овоз билан бошлаш лозим. Машқнинг пастлама ҳаракатида фразанинг охиригача юқори ҳолат сақлаб турилади. Бу ҳол товушни бош резонаторида чўзиб туришга, регистрларни текислаш ва силлиқлашга ёрдам беради. Куйлаш жараёни бақирикқа айланиб кетмаслиги учун, товуш қанчалик баланд бўлса, уни шунчалик эҳтиёткорлик ва енгиллик билан бошлаш зарурлигини эсдан чиқармаслик керак. Пастлама ҳаракатдаги машқларни куйлаганда, уларни худди юқорилама ҳаракатдаги машқлардек тасаввур этиш лозим.

**Юқорилама ҳаракат** машқларида юқориги ноталарни “қисмасдан” балки, р ёки тр дан бошлаб, енгил куйлашга ҳаракат қилиш лозим, ана шунда юқориги нота ортикча зўриқишсиз олинади. Пастдан юқорига ҳаракат қилаётиб, товушга эргашмасдан, худди “зинапоё бўйича кўтарилаётгандек” тасаввур қилиш фойдалидир. Бунда товуш кучини ошиши, нафасдан тўғри фойдаланиш ҳисобига рўй бериши лозим. Юқорилама ҳаракатдаги машқлар диафрагмани ривожлантириш учун жуда фойдалидир, улар кўкрак резонатори чегараларини кенгайтишига имкон беради. Юқорилама ва пастлама ҳаракатдаги товушларнинг кетма - кетлиги, яъни, пассажлар темпи секин - аста тезлаштирилиб куйланганда товушлар чайналиб кетмаслиги керак.

Поғонама - поғона ҳаракатдаги ҳар бир машқни тўхтовсиз равишда, аниқ куйлаш, айрим мусикий жумлалар орасида нафас олиш паузаларини бир хил

тарзда тутиш лозим. Бу нафасни бир маромда ишлашига ва кўшиқчилик малакаларини ўз - ўзидан пайдо бўлишини таъминлаб боради. Нафас оғизни очиб, бурун орқали ва албатта, тиш жағларини очик ҳолатида олинади. Баъзида дастлабки машғулотлар даврида чуқур нафасни сезиш учун педагоглар талабаларга лабларни юмиб, (аммо, тишларни очиб) худди “гул хидлагандек” бурун орқали шовқинсиз нафас олдиришади

Кўшиқ куйлаганда оғиз билан ортиқча ҳаракатлар қилмаслик лозимлигини доимо эсда тутиш жуда муҳимдир. Кўпинча болалар фразалар тугагач, нафас олиш тўхтатилганда оғизни юмадилар ва янги фразани бошлаш учун олинаниган нафас олдиан оғизнинг вокал ҳолатини ўзгартириб, оғиз билан ортиқча ҳаракат қиладилар. Бу нотўғри. Аввалги товуш тугаш пайтидан янги товуш бошлангунча хонанда гўё “қотиб қолиб” бўшашмаслиги, лаблар – юмшоқ, очилган ҳолатда бўлиши лозим. Нафас олиб бўлгандан кейингина янги фразани куйлаш учун оғиз билан ҳаракат бошлаш мумкин. Ана шунда оғизнинг вокал ҳолати ўзгармасдан қолади

Овоз кучини оширишга шошманг. Биринчи дарсларданок болаларни тўлиқ овоз билан куйлашга мажбур қилиш ярамайди. Тўлиқ овоз бу – овоз аппаратини зўриқтирмаган ва кучайтирмаган ҳолда ундан чиқариш мумкин бўлган максимал товушдир. Юқори регистрда товуш кучини сақлаб туриш учун, пастки регистрдаги товушни, айниқса, куйда сакрама ҳаракатлар пайдо бўлганда, кучайтирмаслик зарур. Даставвал овознинг сифати, гўзаллиги, тембри ва интонация ҳақида қайғуриш лозим. Куйланган товушларнинг сони эмас, балки уларнинг сифати муҳимдир. Овоз - тембри ва кучи жиҳатидан барча ноталарда тўлиқ жаранглайдиган бўлиши зарур.

Товушни – томоқ ва бурунга солиб куйламасдан аниқ, соф ва тоза бўлиши лозимлигини эсда тутинг. Бу иккита энг хавфли камчилик одатга айланиб қолса, уларни тузатиш мутлақо мумкин бўлмай қолади. Кўкрак ва фалцет регистрларини кўшилиб кетишини кузатиб боринг, уларнинг биринчисидан иккинчисига ўтиш сезилмаган ҳолда бўлиши, овоз эса қалтирамаслиги ва чайқалмаслиги лозим. Барча машқларни куйлаганда товуш эшитилишининг учта шартини: овоз эшитилишининг юқори ҳолатлиги, яқинлиги ва чуқур нафаслилиги сақланишини кузатиб боринг. Ҳар бир такрорланган мусиқий жумлаларда мусиқани яхши ҳис қилиш мақсадга мувофиқдир, фразани чиройли, таъсирли ижро қилишга интилиш зарур. Ҳар бир нотани “таъкидлаш”, товуш динамикаси ва ҳаракатини кўрсатиш шарт эмас. Бунга ўхшаган сифатларни дастлабки машғулотларданок тарбиялаб бориш зарур. Нафасни тўғри олишга ўргатиш, диапазоннинг кенгайишига ёрдам қилиш ва товуш кучини ривожлантириш учун машқларга албатта турлича штрихлар, темп ва динамика кўрсаткичлари ва бошқа белгилар киритилиши лозим.

Машқлар одатда кувноқ кайфиятда ижро қилинса - да, уларни турлича таъсирли оҳангларда ижро қила билиш фойдаладир: ғамгин, кувноқ, жаҳл билан, тантанавор, эҳтиросли, кўтаринки, буйруксимон, ғазаб билан, кескинлик билан, самимий, жозибали, азоб-укубат билан, кўркув оҳанг руҳида ва ҳ.к.ларда куйлаш - мусиқани сўз ёрдамисиз, тембр бўёқлари воситасида ифодали ижро

қилишга ўргатади. Машқларни куйлаганда унинг мазмунини худди ўзингиз кашф қилаётгандек, таг маъносини назарда тутиб куйлаш фойдалидир.

Одатда барча машқларни педагог фортепианода чалиб туради. Бу ишни юмшоқ ва секин, хонанда овозини босиб кетмасдан ва уни қаттиқ овоз билан куйлашга мажбур қилмаслик керак, чунки куйлаётган одам ўзини яхши эшита олиши лозим.

Машқларни биринчи октавада ижро қилинса, бирмунча юқори ва аниқ йўналиш бериши мумкин. Аммо, эркак овозлар регистрини ҳисобга олиб, машқни кичик октавада ҳам ижро қилиш мумкин.

Машқларни куйлаш учун ҳам, мусиқа асарларини куйлаш учун ҳам бу тартиб бир хилдадир: нафас олиш – нафасни тутиш – куйлаш; нафас олиш – нафасни тутиш – куйлаш ва ҳ. к. Нафасни тутиш пайти ёки лаҳзалик пауза (нафасни тўхтатиш) нафас олиш ва чиқариш ҳолатини жалб қилиш учун зарурдир. Киев консерваториясининг профессори М. Егоричева олдин и дейиш, кейин нафас олиш, бир лаҳзага нафасни тутиш ва шундан кейингина куйлаб бошлашни тавсия қилади.

Барча машқлар секвенцион тартибда - ярим тонлар бўйича юқорилама (агар стрелка юқорига қўйилган бўлса) ва пастлама (агар стрелка пастга томон йўналтирилган бўлса) ёхуд фақат бир марта (агар стрелка қўйилмаган бўлса) куйланади.

**1-машқ.** Тўғри ашулачилик овозини шакллантириш ва бир товушдан иккинчисига текис ўтишни таъминлаш учун қўлланилади. Машқни диапазоннинг ўртасида, энг тўғри жаранглайдиган унли товушда куйлаш лозим.

**2-машқ.** Унли товушларни текислаш учун қўлланилади. Кварта интервали доирасида, диапазоннинг ўртасида куйланади. Унлиларни алмашлаб туриш уларни текислашга ёрдам беради. Битта нотада куйланадиган машқлар - бир текис, тежамли нафас чиқариш, товуш таянчини ривожлантиради, товуш филировкаси (товушни узоқ вақт давомида бир хил куч билан чўзиб туриш, битта товушни ўзида сресс. ва дим. қилиш)га ёрдам беради.

Унли товушлар алмашлаб куйланганда куйидаги вазифалар бажарилади:

-м-е, а-о-у товушларида унли товушлар текисланади;

-и-э-а-о-у товушларида аста-секин оғиз бўшлиғи ортиб боради;

-у-и-о-э-а товушларида овоз бойламлари мускулларининг зўриқиши камаяди;

-а-о-э-у-и овоз бойламлари остидаги босим кўтарилади.

**3-машқ.** Юқори ҳолатни ва нафасни тежаб сарфлашни сақлаган ҳолда талабада фразани ҳис қилиш ва товушлар текислигини шакллантириш учун қўлланилади.

Бу машқда соддалаштирилган фортепиано жўрлиги кўрсатилган, ундан бошқа машқларни куйлаганда ҳам фойдаланиш мумкин.

**4-машқ.** Бу машқдан кўзда тутилган вазифалар худди 3-машқдагидек, аммо, бирмунча кенгрок интервалларда (пастлама учтовушлик товушларида) бажарилади.

Олдинига р ва тр орасидаги товуш кучининг фарқи унча катта бўлмаслиғи лозим. Кейин бу фарқ мф ёки ф нинг орттирилиши ҳисобига эмас, балки, р нинг аста - секин камайтирилиши ҳисобига ортади.

**5-машқ.** Овозни текислаш, регистрларни силлиқлаш, кантилена, нафасни ривожлантириш, гаммалар куйлашга тайёрланиш ва юқори ноталарни ёпиш учун қўлланилади. Кўкрак товушларини юмшоқ, юмалоқлигига, нафаснинг раволиги ва юқори товуш ҳолатига эътибор беринг.

Юқори ноталарда товушни ёпиш яъни, думалоқлаш кўпинча қийинчиликлар келтириб чиқариши сабабли, бунга дастлабки машғулотлардан бошлаб тайёргарлик кўрилиши лозим. Бу вазифа куйнинг юқорилама ҳаракатидаги ва унли товушлар алмашлаб айтиладиган машқларда енгил бажарилади. Буни учун пастки ноталарни фаол, аммо, секин товуш билан а (ма, ля, на)га, кейин товуш кучини ошириб (кучайтирмасдан), юқори нотада о (лө), у (лю) га ўтилади, чунки юмалоқ о унлиси дарров товушни ёпади. Пастки ноталарда яна а га қайтилади. Юмалоқланган унлидаги товуш эшитилиши овозни текислашга ёрдам беради.

**6-машқ.** Турлича чўзимдаги товушларда секунда интервалини аниқ куйлашни шакллантириш учун қўлланилади. Бу машқ пастки ва ўрта регистрларни бири-бирига боғлаш учун жуда фойдалидир. Ўн олтиталик нотали тактни тушириб қолдириш мумкин.

**7-машқ.** Нафас асосида легатони ўзлаштириш, товушни ёпиш учун қўлланилади (квинта интервали доирасидаги турлича ритмик кўринишларда).

**8-машқ.** Диафрагманинг фаоллиги ва ҳаракатчанлигини ривожлантириш учун қўлланилади. Қўлингизни орқангизга кўйиб, ўзингизни ён томонлардан ўраб олинг. Товушларни айтаётганда қўлларни танадан сакраб, ажралаётганини ҳис қилиш лозим. Д ва н ундошларни қаттиқ айтиш зарур, буни учун тил танглайга ёпиштирилади, олдинги юқори тиш қаторларига тиралади ва д (н) ундошлари жуфтлаб, куйланади.

**9-машқ.** Артикуляцион аппаратининг фаоллигини ривожлантириш, диафрагма ва тана ланжлигини енгил учун фойдаланилади. Машқни нота номлари билан куйлаш фойдалидир.

**10-машқ.** Овозни текислаш учун (регистрларни силлиқлаш), легато, нафас, артикуляция, нафас олди товуш ҳужуми ва диапазонни кенгайтириш учун қўлланилади.

Кейинги машқ тез эсда қолади ва тўлиқ диапазонга мўлжалланган. Уни талаба учун қулай бўлган исталган бир товушдан бошлаш мумкин, аммо, бу товушдан кейинги кўрсатилган юқорилама ва пастлама кетма-кетликларга албатта, риоя қилиш зарур. Аккордлар хонандани ҳар бир куй жумласига тайёрлайди. Ҳар бир жумла олдида нота номларини до мажор гаммаси бўйича юқорилама тартибда (ҳатто пастлама тартибда ҳам) айтилади.

Киев консерваториясининг профессори М. Донец-Тессейр стаккато усулини - овоз бойламларининг бекилиши ва очилиши, томоқ ҳаракати билан бажариш зарур деб ҳисоблаган. Стаккато ҳосил бўлишига диафрагма, кўкрак, қорин ва жағларларнинг силкинишлари кўшилиб кетмаслигини кузатиш лозим. Нафасни раво тарзда бериш ва фақат, томоқ ҳаво оқимини овоз бойламларининг енгил бекилишлари билан тўхтатиши зарур. Товушни овоз бойламларининг четлари билан сал-пал итариш керак бўлган пайтларда Тессейр: “Товушни нафас учи билан олгин!”, - деган.



Стаккатонинг хусусиятларидан бири шуки, уни юмшоқ танглайни кўтариб, гумбаз билан ҳосил қилиш мумкин эмас, бунда товушлар оғир, юмалоқ бўлиб эшитилади. Стаккатода товушларини ясси, тишларга яқин, енгил ва иложи борича, қисқа куйлаш зарур.

Стаккато усулида овоз бойламларининг бўшашган вақтида, бўғикликда куйлаш фойдалидир.

Биз стаккатоги ғозларнинг ғоқ-ғоқлашини эслаб ва худди ғозлардай ғоқ-ғоқлаб куйлашни маслаҳат берамиз.

Машқлар диапазонни кенгайтириш, нафас ва кантиленани ривожлантириш, товуш эшитилишини текислаш ва юмалоқлаш, овознинг ҳаракатчанлиги ва эгилувчанлигини шакллантириш, хонанда организмни фаоллаштириш, регистрларни силлиқлаш, юқори ноталарни эгаллаш, товушни бош резонаторида, юқори ҳолатни ҳис қилиш ва бу ҳолатни диапазоннинг ўрта қисмига олиб ўтиш мақсадларида қўлланилади.

Арпеджиоларни бир текис, равон, товушларни бир-бирига боғлаб, юқори ноталарни сунъий кучайишига йўл қўймасдан куйлаш зарур, уларни “бўрттириш” ярамайди.

Юқори ноталарни шакллантириш учун гаммани юқоридан пастга томон, талабанинг энг чекка юқори ноталаридан бошлаб куйлаш фойдалидир. Бунда юқори нотани кичик нафас ва секин овоз билан куйлаш жуда муҳимдир.

Овозда сакрашларсиз “қисик” куйлашни ҳис қилиш, диапазонни кенгайтириш учун интерваллар куйлаш фойдалидир. Интерваллар соф квинтагача оғир, кейин эса – осойишта темпда куйланади.

Октава сакрашларини шакллантириш ва гаммалар куйлаш учун:

Интерваллар куйлаш бўйича машқларни:

- барча интервалларни кетма-кетлиги бўйича (катта, кичик, соф, орттирилган ва камайтирилган);
- интервал товушларини чўзиб туриб;
- товушни секин-аста пасайтириб ва кучайтириб;
- учтовушлик ва унинг айланмалари товушлари бўйлаб;
- доминанцептаккорд ва унинг айланмалари товушлари бўйлаб куйлаш мумкин.

## Хулоса

Болаларни муסיқий томондан ижодий ривожлантиришда айниқса, вокал - хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки кўшиқ ўқитучи томонидан чиройли қилиб куйлаб беришга боғлиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал - хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчи ёқимли овози устида мунтазам иш олиб бориши керак. Вокал-хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овоз созлаш, кўшиқ ўргатиш жараёнида бошлангич синф ўқувчиларнинг овоз диапазони (до<sub>1</sub> - до<sub>2</sub>), ишчи диапазони (ми<sub>1</sub> - фа<sub>1</sub> - соль<sub>1</sub>) примар товушларида куйлаш учун қулай бўлган (соль<sub>1</sub> - ля<sub>1</sub>) товушларини аниқ билиши лозим.

Муסיқа ўқитувчиси ўқувчиларнинг балоғат ёшида рўй берадиган овоз

Ўзгаришлари мутация (расида) даври ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиши керак. Бу эса мутация даврида болалар овозини сақлаш ва ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Унинг қандай кечиши организмнинг ўсиш тезлиги, шу организм гормонал фонининг ҳолати, минтақавий шароитлар ва ҳар боланинг индивидуал физиологик хусиятлари, миллий мансублиги ва бошқаларга боғлиқдир.

Мутация олди даврида овозларнинг ўзига хос тембр хусусиятлари ҳар бир овозга хос бўлган характерли белгиларга эга бўлади. Кўкрак қафаси ривожлана бориши ва янада чуқурроқ нафас олиш натижасида овоз тўйгин ва тўлиқ янграй бошлайди. Мутация ҳар хил, бировларда аста - секин ва сезилмасдан, баъзи бировларда эса жуда яққол ва сезиларли кечади. Одатда у мутация давригача куйлаб юрган болаларда тез ва овознинг кескин ўзгаришсиз кечади. Овоз ҳаракатчанлиги йўқолади. Қисқа чўзимларни тез темпда куйлаш қийинлашади. Бундай ҳолатларда кўшиқда учрадиган сакрашлардан ва паст тесситурада куйлашдан қочиш зарур. Энг муҳими овоз таянчини кузатиб бориш керак.

“Болалар овози ва уни мутация даврида сақлаш” мавзусидаги ушбу битирув малакавий иш икки бобдан иборат бўлиб мен унинг биринчи бобида болалар овозини ўрганишнинг тарихий босқичлари, ўғил болалар овозининг мутация даври, иккинчи бобида эса мутация даврида овоз бузилиши сабаблари, болалар овози касалликлари, мутацион дисфония, болаларда кўшиқ куйлаш малакаларини шакллантириш каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилдим

Хулоса қилиб айтганда, мутация даврида болалар овозини сақлаш ва уни эҳтиётлаш бундан кейин ҳам долзарб масала бўлиб қолаверади

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.И. П. Бризгалов., Школа пения для баритона и баса. Изд., литературы и искусства имени Гафура Гуляма. Т - 1987
- 2.Музыкальный энциклопедический словарь., М – 1990
- 3.Н. Порпора., Вокализы
- 4.Русча - ўзбекча луғат., Т - 1983
- 5.Анисимов А. И. Дирижёр – хормейстер. Новосибирск 1985 г.
- 6.Безбородова Л. А. Дирижёрлик. М., 1990 й.
- 7.ВендроваТ. Е., Пигарева И. В. Муסיқа орқали тарбиялаш. М., 1991й.
- 8.Асафев Б. В. Хор санъати ҳақида. Л.,1980 й.
- 9.Андреева Л. М. Хор дирижёрлигини ўқитиш усуллари. М., 1969 й.
- 10.Акбаров И. А. Муסיқа луғати. Т.,
11. Рўзиев Ш. Хоршунослик. Т., 1987 й.
- 12.Краснощеков В. Вопросы хороведения. М., 1967 г.
- 13.Дмитриевский Г. А. Хороведение и управление хором. М., 1957 г.
- 14.Шарафиева Н.С. Хоршунослик. – Т., 1987 й.

### **Интернет материаллари**

- 1.Козлова Мария Борисовна. Вокальные упражнения как способ формирования певческих навыков у учащихся младшего и среднего возраста
- 2.Горбань Тамара Владимировна. Методика вокальной работы в детской эстрадной студии
- 3.Стулова Г.П. «Развитие детского голоса в процессе обучения пению» (Москва, издательство «Прометей» МПГУ им. В.И. Ленина, 1992 г.).
- 4.Струве Г.А. «Школьный хор» (Москва, Просвещение, 1981 г.)
- 5.Шамина Л. «Работа с самодеятельным хоровым коллективом» (Москва, «Музыка», 1988 г.).
- 6.«Развитие детского голоса» (ред. В.Н. Шацкой) (Москва, 1963 г.).  
«Детский голос» (Экспериментальные исследования) под редакцией Шацкой В.Н.. Издательство «Педагогика», Москва, 1970 г.

#### ***ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:***

***HTTP://WWW.GOOGLE.RU.***

***HTTP://YANDEX.RU***

# Илова

## Болалар овозини сақлаш ва ривожлантириш машқлари

### 1-машқ.

a) **Bir tekis** N. Baxutashvili.

A, a, a, a, a

### 2-машқ.

a) **Bir tekis** G. Tits.

Mi, me, ma, mo, mu  
Re, re, re, re, re

### 3-машқ.

a) **Og'ir**

Mm...

### 4-машқ.

a)

Mm. (lya, za)  
Re(na), e(ne), lya(na)

### 5-машқ.

a) **Og'ir**

A, o, a

### 6-машқ.

N. Porpora

### 7-машқ.

a) **Bir tekis**

Lya  
Do(re) - mi(fa) - sol(lya) - mi(fa) - do(re)

### 8-машқ.

a) **Bir tekis** N. Sinitsina.

Dday, dday, dday

### 9-машқ.

a) **Bir tekis**

Do, do-re, re-mi, mi-fa, fa-sol, sol-fa, fa-mi, mi-re, re-do

### 10-машқ.

a) **Bir tekis**

Re - - ya - - mi